O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
TO‘RAQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

To‘raqo‘rg‘on sh. To‘raqo‘rg‘on ko‘chasi 16.

2022 - yil 21 - dekabr 707-6-85-Q/22 To‘raqo‘rg‘on tumani hokimligi

Тўрақўрғон туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи ва муддатлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддаларига, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”нинг 5, 57-бандларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тўрақўрғон туман Тошкент маҳалла фуқаролар йиғинининг 2022 йил 7 ноябрдаги 23-сонли тақдимномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тўрақўрғон туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи этиб Марказий деҳқон бозори этиб белгилансин.

3. Тўрақўрғон туманида дам олиш куни ярмаркалари ҳафтанинг якшанба кунлари соат 08:00дан 16:00га қадар ташкил этилсин.

4. Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида савдо ўринлари бепул берилсин.

5. Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат этилсин.

6. Тўрақўрғон туман давлат солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлими, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими ва

бошқа манфаатдор ташкилотлар дам олиш куни ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин.

7. Ушбу қарор “Давр” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қобулов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **А.Мансуров**